

## **Мавзу № 8. Фуқаро муҳофазасининг куч ва воситалари, уларга қўйиладиган талаблар**

### **РЕЖА:**

1. ФВДТнинг кучлари
2. ФВДТ нинг воситалари
3. ФВДТ куч ва воситаларидан фойдаланиш тартиби
4. Қутқарув техникалари (амалий машғулот)

**Калит сўзлар:** вазирликлар ва идораларнинг профессионал ихтисослаштирилган бўлинмалари ва тузилмалари, республика, маҳаллий ва объектлар даражасида ФВДТга тегишли ҳудудий ва функционал қўйи тизимларининг қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишда фавқулодда вазиятлар давлат тизими (ФВДТ) нинг куч ва воситалари асосий вазифани ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги 558-сонли қарорининг 14 бандида ФВДТнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этувчи куч ва воситалари белгилаб берилган.

### **ФВДТ кучларига қуйидагилар кирди:**

1. Фуқаролар муҳофазаси кўшинлари;
2. Ҳудудий ва объектларнинг ҳарбийлашмаган умумий ва махсус мақсадли тизимлари;
3. Маҳаллий ҳокимият органларининг (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар) ФВВнинг қутқарувчи командаларининг тизимлари;
4. ФВВга тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсунувчи Республика ихтисослаштирилган тизимлари;
5. Вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ҳамда профессионал-ихтисослаштирилган авария-қутқарув ва авария-тиклаш бўлинмалари;
6. Объектларнинг ихтисослаштирилган тизимлари;
7. «Қизил ярим ой» жамиятининг кўнгилли отрядлари;

## 8. «Ватанпарвар» муҳофаага кўмаклашувчи ташкилоти.

Фуқаро муҳофазаси кучлари – Фуқаро муҳофазаси кўшинлари, тузилмаларидан таркиб топади. Бунда, фуқаро муҳофазаси кўшинлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси кучларининг асосини ташкил этади ва улар Фавқулодда Вазиятлар вазирлигига бўйсинади, ҳамда ўз тезкор йўналишларига мувофиқ ҳарбий даврда Республиканинг муҳим муҳофаа ва саноат объектларида фавқулодда вазиятларни тугатишга оид ишларни олиб борадилар. Фуқаро муҳофазаси кўшинларининг ҳарбий даврдаги асосий вазифалари зарарланган ўчоқлари ва захарланиш ҳудудларида муҳандислик, Радиациявий, кимёвий ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш; кутқарув ва тиклов ишларини амалга ошириш; аҳолини ва иқтисодиёт объектларини эвакуатсия қилишда иштирок этиш; аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш ва бошқа вазифаларни бажаришдан иборат.

Фуқаро муҳофазаси кўшинларининг тинчлик давридаги вазифаси: катта миқёсидаги ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлари ва табиий офатлар чоғида авария-қутқарув ҳамда шикастланган ҳудудлар хусусиятларига кўра тиклов ишларини амалга оширишдан иборат.

Фавқулодда Вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсинувчи Республика ихтисослаштирилган тузилмаларининг вазифалари, фавқулодда вазиятда тезкор фаолият кўрсатиш, фавқулодда вазиятларни чеклаш ва тугатишда самарали ҳаракатларга тайёр туриш, разведка ўтказиш, вазиятни баҳолаш ва ФВВга тезкор маълумот бериш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш, шикастланганларнинг моддий ва маънавий бойликларини қидириш ва қутқаришдан иборат. Бу тизимда Республика қидирув-қутқарув маркази (РҚҚМ), махсус ҳарбийлаштирилган қидирув-қутқарув қисми (МХҚҚҚ), 68305-ҳарбий қисм (алоҳида-алоқа баталион) ва давлат сувдан қутқариш хизмати (ДСҚХ) киради. Республика бўйича жами 7 та авария-қутқарув бўлимлари мавжуд.

Вайроналар остида қолган одамларни қидириб топишда итларнинг хизмати катталигини эътиборга олиб, 1998 йил 5 сентабрда «Кинология»

хизмати ташкил этилган. Ҳозирги вақтда бу хизмат РҚҚМ таркибига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат сувдан қутқарув хизмати (ДСҚХ) - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фавқулодда вазиятлар бошқармалари таркибига кирувчи бўлинма ҳисобланади. ДСҚХнинг асосий вазифалари Республиканинг шаҳарлари, аҳоли яшаш манзилгоҳлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда сувда содир бўладиган фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ишларни ташкил этиш; фавқулодда вазиятларда қидирув-қутқарув ишларни амалга ошириш ва одамларга зарур ёрдамни кўрсатиш; Республикада авария, ҳалокат ва табиий офатлар оқибатида сувда содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар миқёсини камайтиришни таъминловчи ягона сиёсатни амалга ошириш; бу тизим фаолиятини амалга оширишда мақсадли ва илмий-техник дастурлар ишлаб чиқиш; сувда фавқулодда вазият содир бўлганда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича ДСҚХ ягона тизимини ишлаб чиқиш; ДСҚХ куч ва воситалардан комплекс фойдаланиш; фавқулодда вазиятларда қутқарувчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш; қутқарувчиларни тайёрлашда, уларни ўқитиш ишларида қатнашишдан иборат.

Шулардан келиб чиқиб, 2000 йилда Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳузурида Республика ғаввослар мактаби очилди ва ҳозирда ёш мутахассислар ўқитилмоқда.

ДСҚХ кучлари ҳозирги кунда Республиканинг 36 сув ҳавзасини назоратга олган.

Қамчиқ довонидаги қор кўчиш офатининг (1999 йил 21 ноябр) келтирган талофатлари ҳамда мазкур йўлнинг халқаро миқёсидаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда ва хавфсиз ҳаракатни таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз қарори билан «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди ташкил этилди. Бу отряднинг асосий вазифаси Қамчиқ довонида узлуксиз кузатув ишларини олиб бориш, фавқулодда вазият рўй беришини олдини олиш, содир бўлганда тезкор ҳаракат қилиб хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Фавқулудда Вазиятлар язирлигига тезкор бўйсинувчи Республика ихтисослаштирилган тузилмалари, 42219-ҳарбий қисмининг механизатсиялаштирилган баталёни, Ички Ишлар вазирлигининг Республика ёнғинга қарши ҳарбийлашган махсус отряди, Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам маркази, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг авиа отряди, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг авто санитария отрядлари, вазирлик ва идораларнинг фавқулудда вазиятларни тугатиш бўйича тузилган бошқа тузилмаларини ўз ичига олади. Бу тузилмаларнинг вазифалари тайёргарлик муддатлари, уларни жалб этиш тартиби ФВВ билан келишилган ҳаракат режалари асосида олиб борилади.

Вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ва профессионал авария-қутқарув, авария-тиклаш ва бошқа ихтисослаштирилган бўлинмалари идорага қарашли объектларда ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлари билан боғлиқ фавқулудда вазиятларни бартараф этиш, шунингдек эпидемия, эпизоотия ва эпифитотиялар юзага келганда махсус вазифаларни хал этиш усчун мўлжалланган.

Худудий куйи тизимларда - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда фуқаро муҳофазаси бошлиқлари қарорлари билан геофизик, табиий-иқлим ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда худудий авария-қутқарув, авария-тиклаш тузилмалари, тезкор тиббий ёрдам марказлари ва қутқарув командалари ташкил этилади.

Худди шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарорига мувофиқ табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулудда вазиятлардан Тошкент шаҳри аҳолиси хавфсизлигини таъминлаш ва ўз вақтида огоҳлантириш мақсадида ҳамда Ички ишлар Бошқармаси, тез тиббий ёрдам хизмати ва шаҳар авария хизматлари (алоқа, сув, иссиқлик, газ, электр таъминоти) кучларини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фавқулудда вазиятлар бошқармаси таркибида «Қутқарув хизмати» тузилган. Қутқарув

хизматининг хизмат кўрсатиш телефон рақами «1050» бўлиб, унга қуйдаги вазифалар юклатилган:

- Табiiй, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш ва қутқариш ишларини олиб бориш;
- Фавқулодда вазият хавфи туғилганда аҳолига зудлик билан керакли ёрдам кўрсатиш, керак пайтда қўшимча кучларни жалб қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва авария-қутқариш ишларини йўлга қўйиш;
- Қутқарув хизматининг доимий тайёргарлигини таъминлаш, кучларни доимий тайёргарликда тутиш;
- Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ишларини йўлга қўйиш ва бажариш;
- Фавқулодда вазиятларни келтириб чиқарадиган хавф маънбаларини ҳисобга олиш, шаҳар ҳудудига зарар етказиши мумкин бўлган офатларнинг олдини олиш;
- Қутқарув хизматининг малакали мутахассисларини тайёрлашдан иборат.

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар**

- 1.Фуқаро муҳофазаси кучлари нималардан таркиб топади?
- 2.ФВларни бартараф этишда асосий вазифа қандай куч ва воситалар зиммасига юклатилган?
- 3.ФВДТ кучларига нималар киради ва улар қандай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган?
- 4.ФВДТнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
- 5.ФВДТ бошқарув органларининг объектлар даражасидаги вазифалари нималардан иборат?
- 6.Обект ФМ штати негизида қандай ҳизматли тизимлар фаолият кўрсатади?

7.ФВВга бўйсинувчи қандай Республика ихтисослаштирилган тизимларни биласиз?

8. Баъзи йирик шаҳарлар миқёсида ФВларда аҳоли ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида қандай алоҳида хизматлар ташкил топган ва улар зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.А.Каримов Ўзбекистон ХХІ-аср бўсағасида: “Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент, “Ўзбекистон” 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 20 август 1999 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни, 26 май 2000 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуни, 26 декабр 2008 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрел 143-сонли “Ўзбекистон Республикаси ФВВ лиги Фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 август 242-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
7. Фавқулодда вазиятлар Вазирининг 2000 йил 20 март 23-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат Сувда қутқарув хизмати тўғрисидаги Муваққат Низомини кучга киритиш ҳақида”ги буйруғи.